

001529

Тариф қиймати:  
Сув 1 м³ 400 (+ИДС15%+100 сўм) сўм  
Окава 1 м³ 350 (+ИДС15%+100 сўм) сўм

25088 -сонли шартнома

II Гуруҳ истеъмолчиларга ичимлик ва окава суви хизматларини кўрсатиш учун

Тошкент ш.

« 8 » январ 2022 й.

Ушбу шартнома "Тошкент шаҳар сув таъминоти" МЧЖ, кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи Сув таъминот бошқармаси бошқиси Шоасрамов ШИИ (Ф.И.Ш.) шаҳсида, бир томондан ва кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи А.Авлоний номидаги ИТЦ асосида иш олиб борувчи директор А.Б.Раҳмонов (Ф.И.Ш., лавозими) иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида тузилди:

I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари ва II гуруҳ истеъмолчилари учун сув етказиш 1565,00 парх бўйича 8858,14 м³ иш: 5-5024,28  
1 м³ сув учун 400 сўм (+КҚС 15%), +100 сўм (маҳсуе устама ҳақ) ни ташқил қилмоқда 615-3833,86  
1 м³ окава сутоқлик учун 350 сўм (+КҚС 15%) + сўм (маҳсуе устама ҳақ)  
Шу тарика шартноманинг умумий қиймати 73892989,10 сўмни ташқил қилди. (сумма ёзув билан)  
Шу жумладан, бюджет маблағларидан 7862998,20 сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан 5999990,90 сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўловнинг кўзда тутилган.

Бюджет ташкилотлари II гуруҳ истеъмолчилари Қондаларда белгиланган тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Газначилиги орқали сув таъминоти ва окава сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи» ни О'зДСт 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартга мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф қийматида (КҚС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтирилади.

1.3. «Истеъмолчи» ўриятилган муддатлар нҳида "Таъминотчи" га кўрсатишган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва окава сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси талабларига, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва окава сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қондалари" га (кейинчалик матида – Қондалар деб юритилади), ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 1 апрелдаги №317-сонли қарорига, унга мувофиқ тарифга, 1 м³ сув учун ва канализация хизматларига ҳам

1 м³ 100 сўм маҳсуе устама ҳақ жорий этилган ҳамда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва окава сув чиқариш тизимига улашни учун руҳсат атувчи хўжаликларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасарруфидаги барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларининг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва шаҳар сув тизимига улашидаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, кадастр нуҳасини тақдим қилади. "Таъминотчи" ни ўз вақтида сув ўтказиш-окава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилдаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади.

II. Умумий қондалар

2.1. Ичимлик суви билан экишларни сугориш, ховиллар, йўлакчаларига ўриятилган вақтдан ташқари сув сеппи, ҳамда, ичимлик сувидан автомобилларни ювиш учун фойдаланиш қатъиян ман этилади.

2.2. Коммунал сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи) ларининг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнгиларини ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этилаётган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган. "Таъминотчи" нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларида етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тарморкларида сув олиб, окава сувларини "Истеъмолчининг" капитализацион тармоқларига атувчи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва окава сувини чиқариш шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Қондаларга" мувофиқ тузади.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва тағдиланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тағдиланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасини ешиш, қисқаландан ўтказиш ва ўриатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги №-698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истеъмолчи" га ўриатилиши лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ва "Истеъмолчи" билан келинилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўриатишган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» сув ўлчаш тармоғини қайтадан қуришга билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қондаларда ўриатишган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-капитализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алаштириши, янги суб-истеъмолчиларининг улашини Истеъмолчи томонидан фақат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар "Истеъмолчининг" сўрономаси асосида, барча тасдиқловчи хўжалиқларни илова қилган ҳолда берилади. "Таъминотчи" дан олинган техник шартлар асосида, "Истеъмолчи" бутортмасига асосан, амалдаги метёр, қондалар ва бошқа метёрний хўжалиқлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан улашини лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган улашаларининг ишга туширилиши "Таъминотчи" томонидан, "Истеъмолчи" ва қуришчи ташкилот вакиллариининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун пархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион маъмурия чегараси (сув ва окава тизимлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжалиқлари ва истеъмолчилар орасида, ҳуқуқий уй-жой мулкдорлари ширкати орасида қуйидагилардан иборат:

а) сув истеъмолчи учун узатиш тармоғининг киритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Сув қувурини, шу жумладан узатиш қурилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисмидир;

б) окава тизими учун магистрал окава тизимига улашни пунктасидаги сув чиқариш қудуги бўлиб, у "Истеъмолчи" нинг ички окава тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариш окава қудуги магистрал окава тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатишган қудук сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси «Истеъмолчи» нинг қуши ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.

### III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи"дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова суви чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига ҳафиз тўғрисидаги шартномадаги талаб ва шартларда ичимлик сув берилдишини талаб қилиш;
- б) "Истеъмолчи" ҳисобидан ҳисоблаш қилинмаслигини ўрнатилган тартибда талаб қилиш;
- в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқлари ва қурилмаларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганини учун "Таъминотчи"дан қўйилган қўшимча шартларда кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;
- г) "Таъминотчи"ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камидан 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова суви чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларини тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бекор қилиш;
- д) ичимлик сув таъминоти ва оқова суви чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлигини ҳақиқатда маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вақти орали) бепул олиш;
- е) "Таъминотчи"дан ичимлик сув таъминоти ва оқова суви чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларнинг амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;
- ё) ичимлик сув таъминоти ва оқова суви чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг даст сифатда эканлиги тўғрисидаги даъвонома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;
- ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлиги (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

#### 3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартнома шартларини бажариш;
- б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқова тармоқлари ва қурилмаларининг мувофиқ равишда қўриқилишини, уларга сув тошини ёки шикастланишни, музлаб қолишни йўл қўймаслик, қудуқ қопқоқларини қор ва муздан тозалаш, "Таъминотчи" томонидан ўрнатилган таламаларнинг бутлигини назорат қилиш, қудуқлардан юза оқаваси мавжудлигини таъминлаш, ёнгишга қарши гидрантларга ўттиш йўллари бекитмаслик, кўрсатилган ёнгишга қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлаш пазорат қилиш;
- в) "Истеъмолчи" ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устига турли буюм ва материалларнинг йиғилишига ҳамда сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан ишлашлар қурилмаслигини, шу жумладан, ташки (кўча ва квартал ичидаги) сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан ишлашлар қурилмаслиги йўл қўймаслик;
- г) коммунал сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг транзит нукталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан "Таъминотчи"ни хабардор қилиш;
- д) суви ҳисобга олиш приборларида яқин кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамгани бузилишга шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олинмаган ёнгишга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали "Таъминотчи"га хабар бериш;
- е) "Таъминотчи" билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятлари ариё қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларини ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни "Таъминотчи"га жорий ойнинг охиригундан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;
- ё) шартномада белгиланган миқдордан ортиқ ҳажмда сувининг ортиқ сарф қилинишига ва оқова сувларининг метрдан ортиқ чиқарилишига йўл қўймаслик;
- ж) "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилдаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;
- и) "Таъминотчи"га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва оқова тармоқлари, қурима ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;
- й) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини метрдаги кўрсаткичларга ўттиб кетмаслигини таъминлаш;
- к) оқова тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;
- л) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва оқова тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни қўймаслик;
- м) жамоат сув ва канализация тизимларини объектлари а шикаст зарар етказган "Истеъмолчи" дарҳол "Таъминотчи"га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун "Таъминотчи" техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва беҳуда сарф қилинган сув нархини тўлаш шарт.

#### 3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи" қуйидаги ҳолларда, истеъмолчининг 7 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга;
- б) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларининг техник ҳолати қопқоқсиз ҳолатда бўлса ва "Истеъмолчи" техник фойдаланиш шартларини бузиш натижаларини "Таъминотчи" вакиллари талабига қўра бартараф этмаса;
- в) "Таъминотчи"нинг вакили истеъмолчи ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларида ишлар олиб бориш, тамга ўрнатишга ва бошқа ишларда "Истеъмолчи" томонидан асоссиз ҳалақат берилган тақдирда;
- г) "Таъминотчи" томонидан режалани олдин олиш таъминлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқова тармоқларида ишлар бажарилишида, "Истеъмолчи" уларга уланган бўлса, ва янги "Истеъмолчи"ларини улаш учун ишларини ўтказишда;
- д) "Истеъмолчи"нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг улашиб оли аниги аниқланганда;
- е) "Истеъмолчи" ўрнатилган муддатларда тўлов ҳужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;
- ё) "Таъминотчи"нинг розилини олган суб-таъминотчиларнинг "Истеъмолчи" тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари а улашиб оли рад жавобини берганда;
- ж) "Истеъмолчи"лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига ариё қилинмаганда;
- з) энергия таъминоти тўхтатишганда;
- и) табиий офатларда;
- й) аварияларда;
- к) ёнги чиккан ерларга сув етказиш ҳажминини ошириш зарурияти туғилганда.

#### 3.4. "Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:

- а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;
- б) сув етказилишининг узлуксиз таъминлаш;
- в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмол объектлари ва қурилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва шунинг тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни таъминлаш эҳтида амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда "Истеъмолчи"лар сувдан оқилона фойдаланиш ва сувдан оқилона фойдаланишни аниқлаш, суви ўтказиб бериш ва истеъмол қилишни қатъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, санаята мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш ва уларга тегишлилирилган сув истеъмол қилиш чекловларига ариё қилишни назорат қилиш;
- г) "Истеъмолчи"ларга индивидуал ҳисоблаш қурилмаларини ўз ҳисобидан ўрнатилгандан сўн, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

- д) "Истеъмолчи"лар сув қувур хўжалигининг текширишни (индивидуал ҳисоблаш қурилмасининг яхши ишлаётганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамгаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда кўпи билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;
- е) "Истеъмолчи"га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолида, жарима яъни пеня тўловларини амалга ошириш;
- ё) сув таъминоти ва истеъмолчига оид меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида "Истеъмолчи"ларни хабардор қилиш;
- ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;
- з) ичимлик сув таъминоти ва оқова суви чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани "Истеъмолчи"га бепул бериш;

## VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарини, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳаққоний зарарини ўзинини қоплаш шарт.

4.2. Истеъмолчи қуйидагилар учун жавобгардир:

- а) сув ҳисоблаш қурилмасидаги тамгалар, айланмиш чизми жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узитиш мосламаларидаги қисмларнинг ушбу ҳудудда ва тасарруфда бўлган тамгаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутуллиги ва сақланиши учун;
- б) сув тармоқларига ўз бошимча улашиб олиш, совуқ сувини ҳисобга олиш қурилмаларининг касдан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш қурилмаларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашанган ҳолда ўзгартириш ҳолатлари учун;
- в) конунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолатларда;
- г) ўзбошимчалик билан қурилган ишончсизлик сабабидан, тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;
- д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса "Истеъмолчи" ҳудудда жойланган оқова тармоғи ва ёмғир ва эриган қор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қондабузарлик аниқланганда "Таъминотчи" ҳодими ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истеъмолчи"нинг маъсулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4.3 "Таъминотчи" қуйидаги ҳолатларда жавобгардир:

- а) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувининг сифати ва конунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда;
- б) "Истеъмолчи"ларга сув таъминотига улашни ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;
- в) "Истеъмолчи"нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун конунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;
- г) шартнома шартлари ва юқлатилган мажбуриятларни бажармаслик;
- д) конунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолатларда.

## V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилиши (қабул қилинган) сувининг ҳисоби ҳисоблаш қурилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувининг миқдори, шаҳар сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдорига тенг. Марказлашган ҳолда исенк сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолатларда, истеъмол қилинувчи совуқ сув миқдорига 2.0 коэффициентни қўлланилади. "Истеъмолчи"нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш қурилмаларининг кўрсаткичларига) қўлайтирилади. Ички сув таъминоти тизими "Истеъмолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

## VI. Алоҳида шартлар

6.1. . Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал дебиторлик қарзларини узиб, бу ҳақида Таъминотчи билан далолатнома имзолаши шарт. Истеъмолчи чиқиб кетгач, сувини ҳисобга олиш асоби, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юқланади

6.2. "Истеъмолчи"нинг сув узатиш-оқова хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан "Истеъмолчи"нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: М – 0.60га тенг бўлган сулфин орқали сув сарфи коэффициенти;

F – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) м<sup>2</sup>;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувининг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда;

### Қуйидаги ҳолатларда:

- 6.3.1. "Истеъмолчи"да сув ўлчаш асоби ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);
- 6.3.2. Сув ўлчаш асоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;
- 6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув селинганда, автоматшунталар тозилганда;
- 6.3.4. Сув ўлчаш асоби, мосламаси шундан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6.3 бадида кўрсатилганга мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;

Сувини ҳисобга олиш асоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп қўлланилиши мумкин эмас. Агар сувини ҳисобга олиш асоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори II гуруҳ истеъмолчилари учун ушбу Қондашнинг 87-қўбанди бўйича ҳисоб-китоб қилинади;

6.3.5. "Истеъмолчи"нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув исроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув ўлчаш бўғинининг диаметри кичикроқ бўлган мосламага олиштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7. Сув ўлчаш асобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган ҳимоя қопламга руҳсатсиз тегилиш нагнжасида, ичимлик сув соф сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнғиндан сақланиш гидрантлари ва хонадон қувурлари)га ўзбошимчалик билан улашиб олиниши ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, "Таъминотчи" томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан улашиб олган шахсининг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва "Таъминотчи"га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

-тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан улашиб олган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш

асоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан улашиб олиш таъминотчи кунга қадар ҳисобга олинади.

-Ўзбошимчлик билан улашиб олинган санадаги бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" балоғаси тармоқларга улашиб содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси Ёзилган муддатдан олмаслиги зарур. Агар ўзбошимчлик билан уланган санаи топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддати а тенг деб олишди;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддат а берилди. Белгиланган муддат тугаган буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва куришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини ўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. "Истеъмолчи" коммунал сув таъминоти ва оқава сувини чиқариб юбориш тармоқларига улашиб санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этилмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан, ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ва шу қабилар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган улашиб санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқава сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат кўлувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 қунлик муддат ичиқла ақидентсиз тартибда амал а оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечиктирилган тўловнинг хар бир қуни учун 0.4% пеня ёздаи ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан олмаслиги лозим.

6.8. "Истеъмолчи" ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлиmlарининг кирим қассаси орқали, ҳисобот лавридан кейинги 10 қун муддат ичида тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг хар бир лаври учун, аввалги ой тўловининг 100% миқдоридан олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўйилади. Агар "Истеъмолчи" икки ҳафта муддат ичида тўловни амалга оширмаса, "Таъминотчи" ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ва оқава сувларни чиқариб юборишни қарз ундирмагунга қалар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда ёнгиндан саклашни ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлик "Истеъмолчи" зиммасига аюқлатилади. Сув таъминоти ва оқава сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда II гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблагларни ўтказиш орқали ундирилади;

Канализация тизимига руҳсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган ишлаб чиқариш оқава сувларини "Истеъмолчи" лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль қунида қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқариш оқава сувларини қабул қилиш қондалари" ҳамда ифлослангирувчи молдаларининг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бoshка аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортинка оқизилганини учун "Истеъмолчи"ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирлувчи коэффициент миқдор тартибда ҳисобланади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу қабилар ҳолатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" га ёзилган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 қун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи"ни тўлов ҳужжатида қўрсатилган суммани тўлик ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

### VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги а мувофиқ Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида қўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

### VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бoshка енгил бўлмайдиган қуч (форс мажор) ҳолатлари (зилила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бoshка табиий офатлар) натижада келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музқур шартноманинг бажарилишига бевоасита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгил бўлмайдиган қуч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақт а муносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 қун ичида бoshка томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни қўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдаи қун муддат тўққинлик келса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

### IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузишган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.


9.2 Шартнома газначилик бўлиmlарида рўйхатга олинган қундан бошлаб қучга қиради ва 2022 йилининг 31 декабригача амал қилади.

«ТАЪМИНОТЧИ»

«Тошкент шаҳар Сув таъминоти» МЧЖ  
Тошкент 100060, Фидокор 2  
Тел: 252-19-68, 252-60-79  
Факс: 252-19-44  
www.suvsouz.uz




«ИСТЕЪМОЛЧИ»



Юридик ҳулоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Ҳужжатли юрлувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси тўғрисида"ги Қонуи талабларига мувофиқ тузишган



«01» \_\_\_\_\_ 2022 й.